

“Нурли мангулик”

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Нурли мангулик” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли актёрлар, санъатшунос олимлар, адабиётшунослар, шоир-ёзувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зиқир Муҳаммаджонов ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилади. Замондош ижодкорларнинг хотиралари китобдан ўрин олган.

— Устозимиз ҳар томонлама бизга наму-

на эди. У кишидан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов. — Ўз шогирдларига отадай меҳрибон, камтар-камсуқум инсон эди. Ўрнатилган арзигулик фазилатлари кўп эди. Кўпчиликнинг актёр сифатида танилиб, шу ишнинг устаси бўлишига ёрдам берган. Мазкур китобни ўқиган киши устозимизнинг ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатидаги нурли қиёфаси ҳақида янаям аниқроқ тасаввурга эга бўлади.

Д.ДЎСТБЕКОВ,
“Ma’rifat” мухбири